



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТЎПЛАМИ

10-сон
(926)
2020 йил
16 март

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.


МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

103. «Суд ишларини юритиш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 10 мартдаги ЎРҚ–607-сон Қонуни
104. «Бола ҳуқуқларининг қўшимча кафолатлари белгиланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 10 мартдаги ЎРҚ–608-сон Қонуни
105. ««Олий Даражали Дўстлик» орденини таъсис этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 11 мартдаги ЎРҚ–609-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

106. «Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳарбий хизматга чақириш




тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 мартдаги ПҚ-4630-сон қарори


107. «Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 мартдаги ПҚ-4633-сон қарори
108. «Фалла етиштириш, харид қилиш ва сотишга бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 мартдаги ПҚ-4634-сон қарори

Бешинчи бўлим

109. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2020 йил 15 февралдаги 3/9-сон «Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимларида ишлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 9 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2155-5*)
110. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2020 йил 15 февралдаги 3/10-сон «Умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларини қўллаган ҳолда тўлов тизимларини ташкил қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 9 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1767-2*)
111. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2020 йил 9 мартдаги 60-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 9 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2518-2*)
112. Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирининг 2020 йил 21 февралдаги 1-мх-сон «Спорт паспорти тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2949-1*)
113. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирининг 2020 йил 21 февралдаги 69-сон «Хўл мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узумни сақлаш, транспортда ташиш ва сотишда табиий йўқотиш нормативларига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2824-1*)



114. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Транспорт вазирлигининг 2020 йил 27 февралдаги 1, 1, 2/1, 1-сон «Рухсатномалар, тарқатиш ведомостлари ва лимит китобчалари бўйича автотранспорт воситаларига ёнилғи қуйиш учун нефть маҳсулотлари, суюлтирилган ва сиқилган табиий газни бериш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 12 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2072-1*)
115. Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазирининг 2020 йил 31 январдаги 39-сон «Тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган объектларни ёнғин-профилактика кўригидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 12 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2532-2*)
- Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2020 йил 29 февралдан 13 мартгача бўлган маълумот



БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

103 Суд ишларини юритиш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2020 йил 18 февралда қабул қилинган

Сенат томонидан 2020 йил 28 февралда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Судлар тўғрисида»ги 924–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган 162–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 1-2, 10-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 249-модда, № 7, 324-модда; 2009 йил, № 12, 470-модда; 2011 йил, № 4, 104-модда; 2012 йил, № 9/2, 244-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 4, 136-модда; 2018 йил, № 7, 486-модда, № 10, 672-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда, № 5, 261-модда, № 9, 589, 591-моддалар) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) **27-модда биринчи қисмининг:**

олтинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

еттинчи — ўн тўртинчи хатбошилари тегишинча **олтинчи — ўн учинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;


2) **38-модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги** «судьялар ўртасида ишларни тақсимлайди, шу жумладан автоматлаштирилган ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда тақсимлайди» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

3) қуйидаги мазмундаги **69¹-модда** билан тўлдирилсин:

«69¹-модда. Судьялар ўртасида ишларни тақсимлаш

Судларда ишлар судьяларнинг иш ҳажми ва ихтисослашуви ҳисобга олинган ҳолда, судьялар ўртасида ишларни тақсимлашга суд муҳокамаси

* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 11 мартда эълон қилинган.



натижасидан манфаатдор бўлган шахсларнинг таъсир кўрсатиши истисно этиладиган тартибда, автоматлаштирилган ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда тақсимланади.

Судларда ишларни автоматик тарзда тақсимлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсати томонидан тасдиқланади.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августда қабул қилинган «**Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида**»ги 670–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 9, 170-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 8, 367-модда; 2011 йил, № 12/2, 363-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 5-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда) **18-моддасининг биринчи қисмидаги** «бир ой» деган сўзлар «ўн беш кунлик» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 22 январда қабул қилинган ЎРҚ–460-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, 1-сонга 1-илова, № 10, 672-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда, № 5, 261-модда, № 9, 592-модда, № 10, 671-модда, № 11, 791, 792-моддалар, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 1, 3-моддалар) **17-моддасининг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:


«Муайян ишни кўриш учун суд таркиби судьяларнинг иш ҳажми ва ихтисослашуви ҳисобга олинган ҳолда, суд таркибини шакллантиришга суд муҳокамаси натижасидан манфаатдор бўлган шахсларнинг таъсир кўрсатиши истисно этиладиган тартибда, автоматлаштирилган ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда шакллантирилади».

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 24 январда қабул қилинган ЎРҚ–461-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, 1-сонга 2-илова, № 7, 433-модда, № 10, 672-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда, № 5, 261, 266-моддалар, № 9, 592-модда, № 10, 671-модда, № 11, 791-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **5-модда** қуйидаги мазмундаги **саккизинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Суд ҳужжатлари ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда электрон ҳужжат тарзида шакллантирилиши мумкин»;

2) **17-модданинг биринчи қисмидаги** «шунингдек» деган сўз чиқариб ташлансин;



3) **150-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Даъво аризасининг ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари жавобгарга ҳамда учинчи шахсларга ахборот тизими орқали электрон тарзда юборилиши мумкин»;

4) **162-модданинг биринчи қисми** «Судья» деган сўздан кейин «даъво аризаси келиб тушган кундан эътиборан беш кундан кечиктирмай, судгача мажлис ўтказилган ҳолларда эса даъво аризаси иш юритишга қабул қилинган ва иш қўзғатилган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

5) **163-модда биринчи қисмининг биринчи хатбошисидаги** «даъво аризаси келиб тушган кундан эътиборан беш кундан кечиктирмай» деган сўзлар чиқариб ташлансин.


5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 25 январда қабул қилинган ЎРҚ–462-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, 1-сонга 3-илова, № 10, 672-модда; 2019 йил, № 5, 261-модда, № 9, 592-модда, № 11, 791-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда) **18-моддасининг биринчи қисмидаги** «шунингдек» деган сўз чиқариб ташлансин.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–599-сонли Қонуни билан янги таҳрирда тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, 12-сонга 1-илова) **56-моддасининг иккинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Қонунда назарда тутилган ҳолларда, бошқа манфаатдор шахслар ҳам ушбу ахборот ресурси орқали электрон ҳужжатлар алмашинувини амалга ошириши мумкин».

7-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Давлат солиқ қўмитаси манфаатдор вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар билан биргаликда ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

8-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.



9-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 10 март,
ЎРҚ-607-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

104 Бола ҳуқуқларининг қўшимча кафолатлари белгиланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*


Қонунчилик палатаси томонидан
2020 йил 25 февралда қабул қилинган

Сенат томонидан 2020 йил 28 февралда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган 607–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5-6-сонга илова; 2003 йил, № 1, 8-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 157-модда; 2008 йил, № 4, 189-модда; 2009 йил, № 9, 328-модда; 2010 йил, № 9, 334, 335-моддалар; 2011 йил, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2016 йил, № 9, 276-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда, № 8, 469-модда; 2019 йил, № 8, 469-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 1-модда) қуйидаги қўшимчалар ва ўзгартиш киритилсин:

1) **68-модданинг матни** қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:
«Бунда қарор қабул қилишга ваколатли бўлган органлар ва мансабдор шахс-

* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 11 мартда эълон қилинган.



лар боланинг манфаатларига тааллуқли масалаларни ҳал қилишда боланинг фикрини, унинг ёшидан қатъи назар, кўриб чиқиши ҳамда боланинг энг устун манфаатларидан келиб чиққан ҳолда қарорлар қабул қилиши керак»;

2) 96-модда:

учинчи қисмидаги «васийлик ва ҳомийлик органлари» деган сўзлар «васийлик ва ҳомийлик органлари, шунингдек ўн тўрт ёшга тўлган бола» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ота-она ва бола алоҳида-алоҳида яшаган тақдирда, васийлик ва ҳомийлик органлари, шунингдек ўн тўрт ёшга тўлган бола бир вақтнинг ўзида ота ва онадан вояга етмаган болаларнинг таъминоти учун алимент ундириш тўғрисида даъво қўзғатишга ҳақли».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 7 январда қабул қилинган «**Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида**»ги ЎРҚ–139-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 1, 1-модда; 2009 йил, № 12, 471-модда; 2016 йил, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда; 2018 йил, № 7, 431-модда; 2019 йил, № 12, 881-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:


1) 11-модданинг бешинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганда, шу жумладан ота-она (улардан бири) ёки ота-онанинг ўрнини босувчи шахслар болага таъминот, тарбия ва таълим бериш бўйича мажбуриятларини бажармаганда ёки лозим даражада бажармаганда ёхуд ота-оналик ҳуқуқларини суиистеъмол қилганда бола ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини сўраб васийлик ва ҳомийлик органига, шунингдек бошқа давлат органларига мустақил равишда мурожаат қилишга ҳақли. Бундай мурожаатларни бола тўлиқ муомала лаёқатига эга бўлмаганлиги сабабли кўриб чиқмасдан қолдиришга йўл қўйилмайди»;

2) 15-модданинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Оилада ҳар қандай масала ҳал қилинаётганда бола ўз фикрини ифода этишга, шунингдек ҳар қандай суд муҳокамаси ёки маъмурий муҳокама жараёнида сўзлашга ҳақлидир. Бунда қарор қабул қилишга ваколатли бўлган органлар ва мансабдор шахслар боланинг манфаатларига тааллуқли масалаларни ҳал қилишда боланинг фикрини, унинг ёшидан қатъи назар, кўриб чиқиши ҳамда боланинг энг устун манфаатларидан келиб чиққан ҳолда қарорлар қабул қилиши керак».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 3 декабрда қабул қилинган «**Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида**»ги ЎРҚ–378-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрда қабул қилинган ЎРҚ–445-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 9, 509-модда; 2018 йил, № 1, 5-модда) қуйидаги мазмундаги **24¹-модда** билан тўлдирилсин:



«24¹-модда. Вояга етмаган шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишнинг ўзига хос хусусиятлари

Вояга етмаган шахслар ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши масалалари юзасидан давлат органларига, ташкилотларга ёки уларнинг мансабдор шахсларига ушбу Қонунда белгиланган тартибда мустақил равишда мурожаат беришга ҳақли. Давлат органлари, ташкилотлар ёки уларнинг мансабдор шахслари томонидан вояга етмаган шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш унинг қонуний вакиллари, шунингдек васийлик ва ҳомийлик органлари иштирокида амалга оширилиши мумкин. Вояга етмаган шахслар тўлиқ муомала лаёқатига эга бўлмаганлиги сабабли уларнинг мурожаатларини кўриб чиқмасдан қолдиришга йўл қўйилмайди.

Мурожаатда қўйилган масалаларни ҳал этиш ўз ваколатига кирмайди-ган давлат органлари, ташкилотлар, шунингдек уларнинг мансабдор шахслари мурожаатни тегишли давлат органига, бошқа ташкилотга ёки мансабдор шахсга ёхуд васийлик ва ҳомийлик органига юбориши шарт».

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 22 январда қабул қилинган ЎРҚ–460-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, 1-сонга 1-илова, № 10, 672-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда, № 5, 261-модда, № 9, 592-модда, № 10, 671-модда, № 11, 791, 792-моддалар, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 1, 3-моддалар) **42-моддасининг учинчи қисмидаги** «Меҳнат билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлардан» деган сўзлар «Ота-оналардан алимент ундириш тўғрисидаги ишлар бўйича, шунингдек меҳнат билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлардан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;



ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

6-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 10 март,
ЎРҚ–608-сон



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

105 «Олий Даражали Дўстлик» орденини таъсис этиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2019 йил 30 сентябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2019 йил 11 октябрда
маъқулланган

1-модда. «Олий Даражали Дўстлик» ордени таъсис этилсин.

2-модда. «Олий Даражали Дўстлик» ордени тўғрисидаги низом тасдиқлансин (илова қилинади).

3-модда. «Олий Даражали Дўстлик» орденининг тавсифи тасдиқлансин (илова қилинади).

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 22 декабрда қабул қилинган «**Давлат мукофотлари тўғрисида**»ги 176–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 11 апрелда қабул қилинган ЎРҚ–473-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 4, 221-модда; 2019 йил, № 9, 589-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **8-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг орденлари таркибига «Олий Даражали Дўстлик» ордени ҳам кирази»;

2) **15-модда** қуйидаги мазмундаги **саккизинчи қисм** билан тўлдирилсин:


«Олий Даражали Дўстлик» ордени кўкракнинг ўнг томонига ёки орден занжирида тақилади»;

саккизинчи — ўн тўртинчи қисмлари тегишинча **тўққизинчи — ўн бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

ўн иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Планкалардаги ленталарни тақиб юриш қодалари олий мукофот белгиси — «Олтин Юлдуз» медалига, «Мустақиллик», «Амир Темур», «Жалолиддин Мангуберди», «Олий Даражали Дўстлик» орденларига, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонларига доир кўкрак нишонларига нисбатан қўлланилмайди».

* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 12 мартда эълон қилинган.



5-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан куч-га киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 11 март,
ЎРҚ-609-сон

Ўзбекистон Республикасининг
2020 йил 11 мартдаги ЎРҚ-609-сонли
Қонуни билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**«Олий Даражали Дўстлик» ордени тўғрисида
НИЗОМ**

1. «Олий Даражали Дўстлик» ордени билан Ўзбекистон Республикаси халқининг чексиз ҳурмат ва эҳтиром рамзи сифатида Ўзбекистон Республикаси билан ўзаро дўстлик, ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини барқарор ривожлантиришда, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалаларни ҳал этишда юксак сиёсий ирода намоён этган, фаол ташаббусларни илгари сурган ва кўп қиррали ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантиришга янгича руҳ, чуқур ва амалий мазмун бағишлаган ҳамда Ўзбекистон Республикаси олдидаги алоҳида эътироф этилган юксак хизматлари учун:

хорижий давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарлари;

хорижий мамлакатлар парламентлари вакиллари;

халқаро ташкилотлар, дипломатик ваколатхоналар, консуллик муассасалари ҳамда уларга тенглаштирилган бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари ва вакиллари;


атоқли давлат ва жамоат арбоблари, илм-фан, таълим ва тарбия, соғлиқни сақлаш, маънавият, маданият ва спорт соҳаларининг кўзга кўринган улкан намояндалари, инсонпарварлик руҳидаги эзгу ишлари билан ном қозонган меценатлар, бизнес ҳамжамиятининг таниқли вакиллари мукофотланади.

2. «Олий Даражали Дўстлик» ордени билан:

Ўзбекистон Республикаси билан чет давлатлари ўртасида ҳар томонлама манфаатли шериклик муносабатларини ривожлантириш, ўзаро ҳурмат ва ишончни кучайтиришдаги шахсий ҳиссаси;

хорижий мамлакатларнинг халқлари билан дўстлик, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш борасида кўрсатган алоҳида хизматлари;

умуминсоний ва миллий маънавий қадриятларни, тарихий меросимиз-



ни асраб-авайлаш, ўрганиш ва кенг тарғиб этиш, турли халқлар маданияти ва санъатини янада бойитишдаги фаол иштироки;

ташқи иқтисодий фаолиятни кенгайтириш, йирик ижтимоий-иқтисодий ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, шунингдек инновацион ғоя ва технологияларни яратиш ҳамда турли соҳаларга татбиқ этишда эришган салмоқли натижалари;

илм-фан ва маърифат, маданият, санъат ва адабиёт, таълим, соғлиқни сақлаш ва спорт соҳаларини, шунингдек инсон капиталини ривожлантириш борасидаги катта ютуқлари;

инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, хотин-қизлар ва болаларни қўллаб-қувватлаш, оила институтини мустаҳкамлашдаги кўп йиллик ва фидокорона меҳнати;

кучли ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш, фуқаролик жамияти институтларининг мамлакатимизни демократик янгилашдаги роли ва аҳамиятини ошириш, жамият ва давлат ўртасидаги тизимли ва самарали мулоқотни йўлга қўйиш ва мустаҳкамлашдаги улкан хизматлари;

экологик муаммоларни ҳал этиш, сайёрамиз ва мамлакатимизда қулай атроф-муҳитни таъминлаш, инсон генофондини сақлаш, биохилма-хиллик ва табиий бойликларни асраб-авайлаш, ҳозирги ва келгуси авлоднинг экологик хавфсизлиги ҳақида ғамхўрлик қилишга қаратилган кўп йиллик самарали фаолияти;

халқаро миқёсдаги улкан жамоатчилик, гуманитар ва хайрия фаолияти учун мукофотланади.

3. «Олий Даражали Дўстлик» ордени билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар тақдирланиши мумкин. Бунда «Олий Даражали Дўстлик» ордени чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар учун Ўзбекистон Республикасининг олий давлат мукофоти ҳисобланади.


4. «Олий Даражали Дўстлик» ордени билан мукофотлаш Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан амалга оширилади. Орден билан мукофотлаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

5. «Олий Даражали Дўстлик» орденини ва мукофотлаш тўғрисидаги тегишли ҳужжатни топшириш Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ёки унинг топшириғига биноан бошқа мутасадди раҳбарлар томонидан тантанали вазиятда амалга оширилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентини «Олий Даражали Дўстлик» ордени билан мукофотлаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ташаббуси билан амалга оширилади.

7. «Олий Даражали Дўстлик» ордени билан мукофотланган шахслар базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз баравари миқдоридаги бир марталик пул мукофоти ёки эсдалик совғаларини оладилар, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёزلардан фойдаланадилар.

8. «Олий Даражали Дўстлик» ордени тегишли кетма-кетликка риоя этган ҳолда кўкракнинг ўнг томонига ёки орден занжирида тақиб юрилади.



Ўзбекистон Республикасининг
2020 йил 11 мартдаги ЎРҚ–609-сонли
Қонуни билан
ТАСДИҚЛАНГАН

«Олий Даражали Дўстлик» орденининг ТАВСИФИ

«Олий Даражали Дўстлик» ордени 1 микрон қалинликдаги 999 пробали олтин билан қопланган 110 грамм оғирликдаги 916 пробали кумушдан тайёрланади ва тўртта қопламали медальондан иборат бўлади.

Биринчи ва иккинчи медальонлар ўзаро уйғунликда қуёш тимсолидаги ўн олти қиррали юлдузни ифодалайди.

Диаметри 63,4 миллиметрли оксидланган кумушдан тайёрланган биринчи саккиз қиррали юлдуз қирраларининг ҳар бири учта нурдан ташкил топган.

Диаметри 70 миллиметрли иккинчи саккиз қиррали юлдуз оч хира кумушдан тайёрланган ва зарҳал хошияли кавариқ нурлардан иборат. Нурларнинг устки қисмига узунлиги 7,8 миллиметрли зарҳалланган шаклдор барглار ётқизилган.

Учинчи медальон диаметри 42,1 миллиметрли, зарҳалланган, икки қиррали нурларга эга бўлган саккиз қиррали юлдузни ифодалайди ҳамда унинг устки қисмига сирланган кумушдан ва нақшли тошлардан тайёрланган диаметри 39,5 миллиметрли тўрт қиррали нурларга эга бўлган саккиз қиррали юлдуз жойлаштирилган.

Орденнинг марказида жойлашган тўртинчи медальон диаметри 24,6 миллиметрли, кўк рангли эмаль билан қопланган, зарҳалланган айлана билан ўралган ва пастки четлари 2,4 миллиметр ўлчамдаги 0,96 каратли 6 та бриллиант билан нақшланган доирани ифодалайди. Медальоннинг юқори қисмида зарҳалланган «OLIY DARAJALI DO‘STLIK» ёзуви туширилган. Харфларнинг баландлиги 2,3 миллиметр.


Медальон марказида диаметри 17,2 миллиметрли зарҳал доира ичида тинчлик ва дўстлик рамзи бўлган очик қафтлар ҳамда тумшуғида зайтун новдасини тутиб турган кабутарнинг зарҳалланган кавариқ тасвири ифодаланган.

Орден иккита маҳкамлагичга эга:

- 1) гайкага бураб қотириладиган бурама маҳкамлагич;
- 2) орден занжирига мустаҳкамланадиган ечиладиган қисқич.

Орденнинг орқа томонига 2 миллиметрли ўлчамдаги ботиқ шрифт билан мукофот рақами туширилади.

Узунлиги 700 миллиметрли орден занжири 916 пробали, оғирлиги 170 грамм бўлган, 1 микрон қалинликдаги 999 пробали олтин билан қопланган кумушдан тайёрланади. Занжир йирик ва майда халқаларга бўлинади. Диаметри 45 миллиметр бўлган йирик халқалар орденнинг марказий медальони тасвирини ифодалайди, кичик халқалар 18 миллиметрли саккиз қир-



Орден занжирининг марказий ҳалқаси кўк рангдаги эмаль билан қопланган доирага туширилган иккита ўзаро боғлиқ саккизбурчакни ташкил қилади. Кўтарилаётган қуёш фонида Ҳумо қуши тасвирланган.

The image shows a necklace for the Order of the Dove. It consists of a chain of small, gold-colored, multi-pointed star-shaped links. Interspersed along the chain are four circular medallions. Each medallion has a blue background with a white dove in flight, its wings spread, and a pair of hands holding it. The necklace is suspended from a large, ornate, silver-colored star-shaped pendant. This pendant has a central circular medallion with a blue background, a white dove, and a pair of hands. The star-shaped pendant is further embellished with smaller, gold-colored, multi-pointed star-shaped links. The entire necklace is set against a plain white background.


«Олий Даражали Дўстлик» ордени

Олди томони



Орқа томони





ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

106 Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳарбий хизматга чақириш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўташ тизимини шакллантириш ва унинг нуфузини оширишда, шунингдек, ҳарбий хизматчилар томонидан ўз муқаддас бурчини сидқидилдан адо этиб, ҳар қандай хавф-хатарга муносиб зарба бера оладиган қудратли, тезкор ва самарали кучга айланишига қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Буларнинг барчаси Ўзбекистон халқида, айниқса, ёшлар ўртасида миллий армия билан фахрланиш туйғусини, Ватан ҳимоячисидек шарафли касбга ҳурмат-эҳтиром ҳиссини уйғотмоқда.

Шу билан бирга, ҳарбий хизматга номзодларни танлаб олиш, тиббий кўрикдан ўтказиш ва ҳарбий хизматга чақиришнинг амалдаги тизими бугунги кун талабларига жавоб бермаслиги, бу борада янада самарали тизим ишлаб чиқишни, Қуrolли Кучларнинг жанговар тайёргарлиги ва салоҳиятини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо этмоқда.

Чақирилувчиларни ҳарбий хизматга чақириш тизимини такомиллаштириш, мазкур жараёни амалга оширишда очиқлик ва ошкораликни таъминлаш, номзодларга қўшин турларини танлаш имкониятини яратиш, шунингдек, муддатли ҳарбий хизматга чақириш жараёнидаги бир-бирини такрорловчи тадбирларга барҳам бериш мақсадида:

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳарбий хизматга чақириш тартибини янада такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:


Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучлари сафини ҳар томонлама етук, соғлом, жисмонан бақувват, интеллектуал салоҳиятли чақирилувчилар билан бутлаш;

чақирилувчилар онгида миллий ғурур, она юртга садоқат ва ватанпарварлик туйғусини кучайтириш;

чақирилувчиларни муддатли ҳарбий хизматга чақиришнинг мавжуд тизимини оптималлаштириш;

чақирилувчиларни тиббий кўрикдан ўтказишда бир-бирини такрорлов-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 7 мартда эълон қилинган.



чи босқичларни соддалаштириш, тиббий кўрикдан ўтказиш сифати ва самарадорлигини ошириш ҳамда чуқурлаштирилган тиббий кўрикларни ҳарбий округлар ҳарбий госпиталлари мутахассислари томонидан ўтказиш;

ҳарбий хизмат назарда тутилган вазирликлар ва идоралар раҳбарлари, шунингдек, ҳарбий округ қўмондонларининг шахсий жавобгарлигини ошириш.

2. Чақирув тадбирларини сифатли ташкил этиш мақсадида фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматларга чақириш, сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга олиш бўйича қуйидаги комиссиялар тузилсин:

а) муддатли ҳарбий хизматга чақириш учун:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармалари ҳузурида Раҳбарият кенгаши (кейинги ўринларда — Раҳбарият кенгаши);

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар йиғиш пунктларида ҳарбий-тиббий комиссия (кейинги ўринларда — ҳарбий-тиббий комиссия);

туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлимлари ҳузурида Қуролли Кучларни бутлаш комиссияси (кейинги ўринларда — бутлаш комиссияси);

б) муқобил хизматга чақириш, сафарбарлик чақируви резерви хизматига олиш, ҳарбий хизматга чақиришни кечиктириш ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари заҳирасига ўтказиш учун — туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлимлари ҳузурида ҳудудий комиссия (кейинги ўринларда — ҳудудий комиссия);

в) чақирилувчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш, соғлиги даражасини аниқлаш ва даволанишга йўналтириш учун — мудофаа ишлари бўлимлари ҳузурида ҳудудий тиббий комиссия (кейинги ўринларда — ҳудудий тиббий комиссия).

3. Фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматларга чақириш, сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга олиш бўйича комиссиялар фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Қуйидагилар белгилансин:

а) Раҳбарият кенгашининг асосий вазифалари этиб:


чақирилувчиларни муддатли ҳарбий хизматга чақириш тадбирларини сифатли ташкил этиш;

чақирилувчиларнинг жисмоний тайёргарлиги, фикрлаш қобилияти, тафаккури, фидойилиги, қизиқишлари ва бошқа хусусиятларини инобатга олган ҳолда, улар бутлаш комиссияси томонидан қўшин турларига тўғри тайинланганлигига баҳо бериш;

ҳарбий-тиббий комиссия томонидан соғлиги бўйича ҳарбий хизматга яроқли деб топилган чақирилувчиларни Қуролли Кучлар қўшин тури командаларига тайинлаш (ёки турли сабабларга кўра командаларга тайинланмаганлиги) бўйича қарор қабул қилиш;

чақирилувчиларни муддатли ҳарбий хизматга чақириш;

маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва жамоат ташкилотлари



томонидан чақирилувчиларни йиғиш ва тантанали равишда ҳарбий қисмларга юбориш бўйича тадбирлар ўтказилишида ўзаро ҳамкорликни ташкил этиш;

бутлаш комиссияси, ҳарбий-тиббий комиссия, ҳудудий тиббий комиссия учун жойларда зарур шарт-шароитларни яратиш, дори воситалари, тиббий буюмлар ва бошқа моддий-техник воситалар билан таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш ишларини ташкил қилиш;

муддатли ҳарбий хизматга чақириш ишларининг ошкоралигини, шунингдек, чакирувга оид тадбирларнинг оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминлаш;

ҳарбий-тиббий комиссия, бутлаш комиссияси ва ҳудудий тиббий комиссия қарорларидан норози бўлган чақирилувчиларнинг шикоятларини кўриб чиқиш ва ечими бўйича тегишли қарор қабул қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафидан турли сабабларга кўра қайтарилган муддатли ҳарбий хизматчилари бўйича текширув ўтказиш ва тегишли чора-тадбирлар белгилаш;

б) Ҳарбий-тиббий комиссиянинг асосий вазифалари этиб:

Бутлаш комиссияси томонидан қўшин турларига тайинланган чақирилувчиларни чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш;

шифокор-мутахассислар томонидан чақирилувчиларнинг ҳисоб карталарига киритилган ёзув ва хулосаларнинг тўғрилигини текшириш;

Раҳбарият кенгаши раиси билан ҳамкорликда чақирилувчиларни қўшимча текширув ва даволашга йўналтириш, шунингдек, қўшимча текширув ва даволашдан кейин уларнинг қайтишларини назоратга олиш;

чақирилувчиларнинг соғлиги даражаси бўйича ҳарбий хизматга яроқлилиги юзасидан якуний тиббий хулоса бериш;

тиббий комиссия фаолияти жараёнида йўл қўйилган камчиликлар таҳлилини инобатга олган ҳолда, ҳарбий-тиббий комиссия шифокор-мутахассислари билан кенгашлар ўтказиш;

Қуролли Кучларни бутлаш якуни бўйича тиббий комиссия иши натижаларини умумлаштириш, ҳисобот тайёрлаш ва белгиланган тартибда Раҳбарият кенгаши раиси, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этиш;


в) Бутлаш комиссиясининг асосий вазифалари этиб:

муддатли ҳарбий хизматга юбориш учун тавсия этилган ва ҳудудий тиббий комиссия томонидан ҳарбий хизматга яроқли деб топилган чақирилувчилар билан суҳбат ўтказиш, соғлиги даражаси, жисмоний тайёргарлиги, фикрлаш қобилияти ва бошқа хусусиятларини инобатга олган ҳолда, қўшин турларига тайинлаш бўйича қарор қабул қилиш;

қабул қилинган қарорларни чақирилувчилар йиғмажилдидаги тегишли саҳифага белгиланган тартибда расмийлаштириш ва имзолаш;

чақирилувчиларни муддатли ҳарбий хизматга чақириш ишларининг ошкоралиги ва ҳолислигини таъминлаш;

жойлардаги тегишли идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва жамоат ташкилотларининг чақирилувчиларни йиғиш ва уларни



тантанали равишда ҳарбий қисмларга юбориш бўйича тадбирларни ўтказиш-
да ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш;

чақирилувчилар, уларнинг ота-оналарининг чақирувга оид мурожаат-
ларини ўз вақтида кўриб чиқиш ва тегишли қарор қабул қилиш;

г) Худудий комиссиянинг асосий вазифалари этиб:

чақирилувчиларни муқобил хизматга чақириш, сафарбарлик чақируви
резерви хизматига олиш, ҳарбий хизматга чақиришни кечиктириш ва Ўзбе-
кистон Республикаси Қуролли Кучлари заҳирасига ўтказиш;

чақирилувчиларни йиғиш, муқобил хизматга юбориш, сафарбарлик
чақируви резервидаги хизматга олиш ҳамда Қуролли Кучлар резервига
бўшатиш ҳарбий хизматчиларни доимий яшаш жойларига қайтаришга оид
тадбирларни тантанали равишда ўтказишда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият
органлари ва жамоат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлигини ташкил
этиш;

чақирилувчиларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга чақириш,
сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга олиш, Қуролли Кучлар резер-
вига бўшатиш ҳарбий хизматчиларни доимий яшаш жойларига қайтариш
бўйича тадбирларни ташкил этиш;

худудий комиссиялар фаолияти ва чақирувнинг ошкоралигини таъмин-
лаш;

д) Худудий тиббий комиссияларнинг асосий вазифалари этиб:

чақирилувчиларни бирламчи тиббий кўрикдан ўтказиш;

руҳий-асаб касалликлари, наркологик, тери-таносил диспансерлари,
ОИТСга қарши курашиш ва санитария-эпидемиология осойишталиги, фти-
зиатрия ва пульмонология марказлари рўйхатида турувчи чақирилувчилар
тўғрисида маълумотга эга бўлиш;

чақирилувчиларни қўшимча текширув ва даволашга йўналтириш,
қўшимча текширув ва даволашдан сўнг уларнинг тиббий комиссияга келиш-
ларини назоратга олиш;


чақирилувчиларнинг соғлиги даражаси бўйича ҳарбий хизматга яроқ-
лилиги юзасидан хулоса бериш;

тиббий кўрикдан ўтказишни сифатли ва ҳолисона амалга ошириш мақ-
садида мунтазам равишда тиббий комиссия аъзолари билан йўл қўйилган
камчиликларни бартараф этиш борасида кенгашлар ўтказиб бориш;

чақирилувчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш натижалари бўйича ҳисо-
бот тайёрлаш ва ушбу ҳисоботни ҳарбий-тиббий комиссия, Ўзбекистон
Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги худудий бошқармаси (органла-
ри) ҳамда мудофаа ишлари бошқармасига тақдим этиш.

5. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига Ўзбекистон Республи-
каси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар
вазирлиги, Миллий гвардияси, Давлат хавфсизлик хизмати ва Ўзбекистон
ёшлар иттифоқи билан ҳамкорликда чақирув тадбирларини ташкил этиш
ва ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни оммавий ахборот воситаларида кенг
ёритиб бориш тавсия этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12 сентябрда-



ги ПҚ-4447-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомнинг 24-банди иккинчи хатбошисидаги «туман (шаҳар) чақирув комиссияси» сўзлари «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармалари ҳузуридаги Раҳбарият кенгаши» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорлари 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В.В. Махмудов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 6 март,
ПҚ-4630-сон


Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2020 йил 6 мартдаги
ПҚ-4630-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматларга
чақириш, сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга
олиш бўйича комиссиялар фаолиятини ташкил этиш
тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ ўтказиладиган чақирув ёшидаги фуқароларни (кейинги ўринларда — чақирилувчилар) муддатли ҳарбий ва муқобил хизматларга чақириш, сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга олиш бўйича комиссиялар фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фуқароларни ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ва муддатли ҳарбий хизмат муддатини ўтаб бўлган



ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш бўйича қарори эълон қилинганидан сўнг Раҳбарият кенгаши, ҳарбий-тиббий комиссия, бутлаш комиссияси, ҳудудий комиссия ва ҳудудий тиббий комиссиялар таркиби ҳамда уларнинг фаолиятини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) ҳокимлари томонидан тасдиқланади.

3. Раҳбарият кенгаши, ҳарбий-тиббий комиссия, бутлаш комиссияси, ҳудудий комиссия ва ҳудудий тиббий комиссиялар ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ҳамда мазкур Низомга мувофиқ амалга оширади.

Ҳарбий-тиббий комиссия ва ҳудудий тиббий комиссиялар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида тинчлик ва уруш даврида тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги ПҚ-4076-сон қарори ва соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ чақирилувчиларни тиббий кўрикдан ўтказишни ташкил этади, тиббий кўрикдан ўтказади, тиббий кўрик натижаси бўйича хулосалар беради ва ҳужжатларни расмийлаштиради.

4. Ҳарбий округ қўшинлари қўмондонлари чақирилувчиларни ҳарбий хизматга чақириш тадбирларининг ўтказилишига умумий раҳбарлик қилади, шунингдек, Раҳбарият кенгаши, ҳарбий-тиббий комиссия, бутлаш комиссияси, ҳудудий комиссия ва ҳудудий тиббий комиссияларнинг самарали фаолият юритиши учун шахсан масъулдир.

5. Фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматларга чақириш, сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга олиш бўйича комиссиялар фаолияти ушбу Низомга иловага* мувофиқ схема бўйича ташкил этилади.

2-боб. Фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматларга чақириш, сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга олиш бўйича комиссиялар таркиби

6. Раҳбарият кенгаши таркибига қуйидагилар киради:



а) кенгаш раиси — ҳарбий округ қўшинлари қўмондони ўринбосари (ҳарбий-маъмурий сектор раҳбарининг ўринбосари);

б) кенгаш аъзолари:

Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари ҳамда вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқларининг ўринбосарлари;

Қорақалпоғистон Республикаси фавқулодда вазиятлар бошқармаси, Тошкент шаҳар ва вилоят бошқармаси бошлиқларининг ўринбосарлари;

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари вакили;

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси вакили;
ҳарбий округ бошқарма, хизмат ва бўлим бошлиқлари;
мудофаа ишлари бошқармалари бошлиқлари;

в) кенгаш котиби — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг ўрта тиббий маълумотга эга бўлган вакили.

7. Ҳарбий-тиббий комиссия таркибига қуйидагилар киради:

а) комиссия раиси — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий госпиталининг шифокор-мутахассиси;

б) комиссия аъзолари:

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий госпиталидан терапевт, жарроҳ ва невропатолог;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳудудий бошқармаларидан (органларидан) оториноларинголог, офтальмолог ва психиатр.

8. Бутлаш комиссияси таркибига қуйидагилар киради:

а) комиссия раиси — ҳарбий округ бошқарма, хизмат ва бўлим бошлиқлари, ҳарбий қисм командирлари ва уларнинг ўринбосарлари;

б) комиссия аъзолари — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари, Миллий гвардияси вакиллари.

9. Ҳудудий комиссия таркибига қуйидагилар киради:

а) комиссия раиси — туман (шаҳар) ҳокимининг ўринбосари;

б) комиссия раисининг ўринбосари — мудофаа ишлари бўлими бошлиғи;

в) комиссия аъзолари:

туман (шаҳар) ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари;
фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи туман (шаҳар) кенгаши раисининг биринчи ўринбосари;

тиббий комиссия катта шифокори;

г) комиссия котиби — мудофаа ишлари бўлими бўлинма бошлиғининг ёрдамчиси.

10. Ҳудудий тиббий комиссия таркибига туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларидан ажратиладиган жарроҳ, терапевт (катта шифокор вазифаси жарроҳ ёки терапевт зиммасига юкланади), дерматовенеролог, стоматолог, офтальмолог, оториноларинголог, психиатр ва невропатолог киради.


11. Қуйидагилар ўз фаолиятини ҳар йили:

туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлимлари ҳузуридаги ҳудудий тиббий комиссиялар — 15 февралдан 30 апрелгача;

туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлимлари ҳузуридаги бутлаш комиссиялари — 15 февралдан 30 апрелгача;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар йиғиш пунктларида ҳарбий-тиббий комиссиялар — 20 февралдан 30 апрелгача;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармалари ҳузуридаги Раҳбарият кенгаши — 20 февралдан 30 апрелгача;



туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлимлари ҳузуридаги ҳудудий комиссиялар — 1 мартдан 30 апрелгача амалга оширади.

**3-боб. Фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил
хизматларга чақириш, сафарбарлик чақируви резервидаги
хизматга олиш бўйича комиссияларнинг ҳуқуқлари ва
жавобгарлиги**

12. Раҳбарият кенгаши:

ҳар бир фуқаро бўйича қабул қилинадиган қарор ва хулосаларга нисбатан ўз фикрини билдириш;

бутлаш комиссияси томонидан қўшин турларига тайинлаш бўйича қабул қилинган қарорларни кўриб чиқиш ва бекор қилиш;

мажбуриятларни бажариш билан боғлиқ келиб чиққан низоларни томонларнинг келишуви ёки суд орқали ҳал қилиш ҳуқуқига эга.

Раҳбарият кенгаши қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

13. Раҳбарият кенгаши:

кенгаш фаолияти ҳамда қарор қабул қилиш жараёнида бевосита иштирок этиш;

ўз иш фаолиятининг ошкоралиги, фуқаролар учун очиқлиги, улар томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг ҳолислигини таъминлаш;

махаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ҳарбий хизматга чақириладиган чақирилувчиларни йиғиш, ҳарбий қисмларга тантанали равишда кузатиш, Қуролли Кучлар резервига бўшатиш ҳарбий хизматчиларни яшаш жойларида тантанали кутиб олиш бўйича ўтказиладиган тадбирлар юқори савияда ўтишини ташкил этиш;

йиғиш ва чақирув пунктларида чақирув тадбирларини ўтказиш учун тайёргарлик ишларини ташкил этиш;


комиссиялар аъзоларининг услубий тайёргарлигини ташкил этиш, мажбуриятларни улар ўртасида тақсимлаш ва тасдиқлаш;

муддатли ҳарбий хизматга чақирилган ҳарбий хизматчиларни ҳарбий қисмларга юбориш жараёнида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш учун барча хавфсизлик чораларини кўриш, шунингдек, чақирилувчиларнинг йиғиш ва чақирув пунктларига ўз вақтида етиб келишлари юзасидан ички ишлар органлари билан ҳамкорликда тадбирларни ташкил этиш;

давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ҳарбий хизматга чақириш тизимида амалга ошириладиган ислохотлар, бу борада амалга ошириладиган ишлар тўғрисида муддатли ҳарбий хизматга чақириладиган чақирилувчилар ва аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини ташкил этиш;

муддатли ҳарбий хизматга чақириладиган ёшлар билан Амир Темур, Жалолiddин Мангуберди, Заҳирiddин Муҳаммад Бобур каби буюк саркардаларимиз ва улуғ аجدодларимиз ҳақида давра суҳбатларини ташкил этиш;

чақирув ва йиғиш пунктлари учун буюк саркардаларимиз Амир Темур,



Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва Жалолиддин Мангуберди жасоратларини намоён этувчи, Темур тузуклари ва шу каби бошқа тарихий асарлар тўғрисида чақирилувчилар тушунадиган талкинда кўргазмали баннерлар тайёрлаш, чоп этиш ва тарқатиш ишларини ташкил этиш;

тегишли вазирликлар, идоралар ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда муддатли ҳарбий хизматга чақирилган ва резервга бўшатишган ёшлар ўртасида ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тўғрисида тушунтириш ишларини ташкил этиш;

ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда фаол фуқаролик позицияси, мамлакатимизнинг келажаги ва тақдири учун жавобгарлик ҳисси, Қуролли Кучлар билан фахрланиш, ҳарбий хизматга бўлган ҳурмат, шунингдек, Ватанга чуқур муҳаббат ва садоқат туйғусини шакллантириш бўйича тарғибот-ташвиқот материаллари, кўргазмали баннерлар, кичик ҳажмдаги рисоалар ва тарқатма буклетлар тайёрлаб, йиғиш ва чақирув пунктларини жиҳозлаш ишларига жавобгардир.

Раҳбарият кенгаши қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам олиши мумкин.

14. Ҳарбий-тиббий комиссия:

худудий тиббий комиссия томонидан тиббий кўрик натижаларига кўра қабул қилинган ҳулосаларни кўриб чиқиш ва бекор қилиш;

ҳар бир фуқаронинг соғлиғи бўйича қабул қилинадиган қарор ва ҳулосаларга нисбатан ўз фикрини билдириш;

тиббий кўрик ҳулосаларига кўра чақирилувчиларни қўшимча текширувга юбориш ҳуқуқига эга.

Ҳарбий-тиббий комиссия қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

15. Ҳарбий-тиббий комиссия:


фаолиятини бошлашдан аввал шифокорлар хоналарининг санитар ҳодалари, нормалари ва гигиена нормативлари талабларига мувофиқлиги, тиббий жиҳоз ва ускуналарнинг мавжудлиги, уларни ишлатилиш ҳолатини, дори воситалари ва тиббий буюмлар борлигини кўздан кечириш;

Раҳбарият кенгашига чақирилувчилар тиббий ҳужжатлари ҳамда касаллик тарихидан кўчирмалар, руҳий-асаб касалликлари, наркологик, теританосил диспансерлари, ОИТСга қарши кураш ва санитария-эпидемиология осойишталиги, фтизиатрия ва пульмонология марказларидан рўйхатлар ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;

чақирилувчиларни чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш ва уларнинг соғлиғи даражаси бўйича ҳарбий хизматга яроқлилиги юзасидан яқуний тиббий ҳулоса бериш;

чақирилувчиларни даволаш ёки қўшимча тиббий текширувлар ўтказиш учун йўллаш, шунингдек, уларнинг даволаниш ва қўшимча текширувлардан ўз вақтида қайтиб келишларини назорат қилиш;

шифокор-мутахассислар томонидан чақирилувчининг ҳарбий хизматга яроқлилиги, шунингдек, даволаш ёки қўшимча тиббий текширувлар ўтказиш учун чақирувни кечиктириш бўйича чақирилувчиларнинг ҳисоб вара-



қаларига киритилган ёзув ва хулосаларнинг тўғрилигини текшириш ва якуний хулоса қабул қилиш;

Раҳбарият кенгашига ҳудудий тиббий комиссияларнинг чақирилувчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш жараёнида аниқланган камчиликлар юзасидан ахборот ёки маълумот бериш ва уларни бартараф этиш тадбирларини қўллаш;

тиббий кўрикдан ўтказиш ишларини сифатли ташкил этиш мақсадида шифокор — мутахассислар билан услубий-амалий машғулотлар ўтказиш;

чақирилувчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш натижалари бўйича ҳисобот тайёрлаш ва Раҳбарият кенгашига, соғлиқни сақлаш бирлашмасига ҳамда мудофаа ишлари бошқармасига тақдим этиш ишларига жавобгардир.

16. Бутлаш комиссияси:

ҳар бир чақирилувчига нисбатан уларни қўшин турларига тайинлаш бўйича қарор қабул қилиш жараёнида ўз фикрини билдириш;

тегишли идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва жамоат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликни ташкил этиш ҳуқуқига эга.

Бутлаш комиссияси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

17. Бутлаш комиссияси:

комиссия фаолияти ҳамда қарор қабул қилиш жараёнида бевосита иштирок этиш;

ўз фаолиятининг ошқоралиги, фуқаролар учун очиқлиги, улар томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг ҳолислигини таъминлаш;

чақирув пунктларини чақирув тадбирларини ўтказиш учун тайёрлашда мудофаа ишлари бўлимларига амалий ёрдам кўрсатиш;

муддатли ҳарбий хизматга чақирилган ҳарбий хизматчиларни йиғиш пунктига юбориш жараёнида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш учун барча хавфсизлик чораларини кўриш, шунингдек, чақирилувчиларнинг чақирув пунктига ўз вақтида етиб келишлари юзасидан ички ишлар органлари билан ҳамкорликда тадбирларни ташкил этиш;


ҳарбий хизматга чақириладиган чақирилувчиларни ҳарбий қисмларга тантанали равишда кузатиш, резервга бўшатишган ёшларни яшаш жойларида тантанали кутиб олиш бўйича ўтказиладиган тадбирларни юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш ишларида фаол иштирок этиш ва амалий ёрдам бериш;

муддатли ҳарбий хизматга чақириладиган ёшлар билан Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби буюк саркардаларимиз ва улуғ аждодларимиз ҳақида давра суҳбатларини ташкил этиш;

давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда муддатли ҳарбий хизматга чақириладиган чақирилувчилар, резервга бўшатишган ёшлар ва аҳоли ўртасида ҳарбий хизматга қақириш тизимида амалга ошириладиган ислохотлар, ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тўғрисида тушунтириш ишларини ташкил этиш ишларига жавобгардир.

18. Ҳудудий комиссия:

чақирилувчиларни муқобил хизматга қақириш, сафарбарлик қақируви



резерви хизматига олиш, ҳарбий хизматга чақиришни кечиктириш ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари захирасига ўтказиш учун қабул қилинадиган қарорларга нисбатан ўз фикрини билдириш;

фуқароларнинг чақирувга оид мурожаатларини кўриб чиқиш ва тегишли қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга.

Худудий комиссия қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

19. Худудий комиссия:

комиссия фаолияти ҳамда қарор қабул қилиш жараёнида бевосита иштирок этиш;

ўз фаолиятининг ошкоралиги, фуқаролар учун очиқлиги, улар томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг ҳолислигини таъминлаш;

чақирув пунктини чақирув тадбирларини ўтказиш учун тайёрлаш;

комиссиялар аъзоларининг услубий тайёргарлигини ташкил этиш, мажбуриятларни улар ўртасида тақсимлаш ва тасдиқлаш;

муддатли ҳарбий хизматга чақирилган ҳарбий хизматчиларни ҳарбий қисмларга юбориш жараёнида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш учун барча хавфсизлик чораларини кўриш, шунингдек, чақирилувчиларнинг йиғиш ва чақирув пунктларига ўз вақтида етиб келишлари юзасидан ички ишлар органлари билан ҳамкорликда тадбирларни ташкил этишда амалий ёрдам кўрсатиш;

маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ҳарбий хизматга чақириладиган чақирилувчиларни ҳарбий қисмга кузатиш, резервга бўшатишдан ёшларни яшаш жойларида тантанали кутиб олиш тадбирларини юқори савияда ташкил этиш;

чақирув пунктида буюк саркардаларимиз Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва Жалолиддин Мангуберди жасорати, Темур тузуклари ва шу каби бошқа тарихий асарлар тўғрисида чақирилувчилар тушунадиган талқинда кўргазмалар баннерлар тайёрлаш ва чақирув пунктини жиҳозлаш;

чақирув тадбирлари жараёнида ташкил этилган комиссиялар иш фаолияти, шунингдек, чақирилувчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш учун барча шароитларни яратиш ишларига жавобгардир.

20. Худудий тиббий комиссия:


чақирилувчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш жараёнида қўшимча текширувга юбориш;

ҳар бир фуқаронинг соғлиғи бўйича қабул қилинадиган қарор ва ҳулосаларга нисбатан ўз фикрини билдириш ҳуқуқларига эга;

Худудий тиббий комиссия қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

21. Худудий тиббий комиссия:

фаолиятини бошлашдан аввал шифокорлар хоналарининг санитар қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари талабларига мувофиқлиги, тиббий жиҳоз ва ускуналарнинг мавжудлиги, уларни ишлатилиш ҳолатини, дори воситалари ва тиббий буюмлар борлигини кўздан кечириш;



чақирилувчиларни бирламчи тиббий кўрикдан ўтказиш ва уларнинг соғлиғи даражаси бўйича ҳарбий хизматга яроқлилиги юзасидан тиббий хулоса бериш;

бутлаш комиссияси ва ҳудудий комиссиясига чақирилувчилар тиббий ҳужжатлари ҳамда касаллик тарихидан кўчирмалар, рухий-асаб касалликлари, наркологик, тери-таносил диспансерлари, ОИТСга қарши кураш ва санитария-эпидемиология осойишталиги, фтизиатрия ва пульмонология марказларидан рўйхатлар ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;

шифокор-мутахассислар томонидан чақирилувчиларнинг ҳисоб варақаларига ёзув ва хулосаларни киритиш;

чақирилувчини даволаш ёки қўшимча тиббий текширувлар ўтказиш учун йўллаш, шунингдек, уларнинг даволаниш ва қўшимча текширувлардан ўз вақтида қайтиб келишларини назорат қилиш;

чақирилувчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш ишларида аниқланган камчиликлар юзасидан ҳудудий комиссияга ахборот бериш ва уларни бар-тараф этиш тадбирларини қўллаш;

чақирилувчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш натижалари бўйича ҳисобот тайёрлаш ва ҳудудий ҳамда бутлаш комиссиясига тақдим этишга жавобгардир.

**4-боб. Фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил
хизматларга чақириш, сафарбарлик чақируви резервидаги
хизматга олиш бўйича комиссия фаолиятини ташкил
этиш тартиби**

22. Раҳбарият кенгашининг раиси ва аъзолари Қуrolли Кучлар сафини янгидан чақириладиган муддатли ҳарбий хизматчилар билан ўз вақтида сифатли бутлаш учун масъулдир.



23. Раҳбарият кенгаши, ҳарбий-тиббий комиссия, бутлаш комиссияси ва ҳудудий тиббий комиссия фаолияти Раҳбарият кенгаши раиси томонидан тасдиқланган жадвалга мувофиқ ташкил этилади.

24. Раҳбарият кенгаши ва бутлаш комиссияси ўз ишини чақирилувчиларнинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдларини ўрганишдан бошлайди.

Чақирилувчини тиббий кўрикдан ўтказиш хулосаси, унинг маънавий ва касбий хусусиятлари, оилавий ва моддий шароити, оила аъзоларининг ижтимоий ҳолатини ўрганиш натижаларига мувофиқ Раҳбарият кенгаши ва бутлаш комиссияси томонидан уларни қўшин тури бўйича командаларга тайинлаш ишлари амалга оширилади.

25. Раҳбарият кенгаши ва бутлаш комиссияси томонидан жамоавий тарзда қабул қилинган қарорлар Раҳбарият кенгаши ва бутлаш комиссияларининг «Қабул қилинган қарорлар китоби»да тааллуқлилиги бўйича белгиланган тартибда комиссия котиби томонидан қайд этилади ва Раҳбарият кенгаши ва бутлаш комиссияси томонидан имзоланади.

26. Бутлаш комиссияси раиси томонидан чақирилувчиларни муддатли ҳарбий хизматга чақириш ишларининг якуни бўйича ахборот тайёрланади



ва Қуролли Кучларни бутлаш ишлари якунланганидан сўнг беш кун муддат ичида Рахбарият кенгашига тақдим этилади. Рахбарият кенгаши эса ўн кун муддат ичида ахборотни Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига тақдим этади.

27. Худудий комиссия фаолияти комиссия раиси томонидан тасдиқланган жадвалга мувофиқ ташкил этилади ва амалга оширилади.

28. Худудий комиссия ўз ишини чақирилувчиларнинг шахсий ҳужжатлар йиғмажилдларини ўрганишдан бошлайди.

29. Чақирилувчини тиббий кўрикдан ўтказиш хулосаси, унинг маънавий ва касбий хусусиятлари, оилавий, моддий шароити, оила аъзоларининг ижтимоий ҳолатини ўрганиш натижаларига мувофиқ худудий комиссия куйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

ҳарбий хизматга яроқлилиги ва сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга тайинлаш тўғрисида;

ҳарбий хизматга яроқлилиги ва муқобил хизматга чақириш тўғрисида; саломатлигига кўра ҳарбий хизматга вақтинча яроқсизлиги тўғрисида; чақирилиш муддатини белгиланган тартибда кечиктириш ёки ҳарбий хизматга чақирилишдан озод қилиш тўғрисида;

йигирма етти ёшга етганлиги муносабати билан Қуролли Кучлар захирасига ўтказиш тўғрисида;

саломатлигига кўра тинчлик даврида ҳарбий хизматга яроқсизлиги, уруш давридаги ҳарбий хизматга чекланган тарзда яроқлилиги ва захирага ўтказиш тўғрисида;


ҳарбий хизматга яроқсиз деб топиб, ҳарбий рўйхатдан чиқариш тўғрисида.

Худудий комиссия томонидан жамоавий тарзда қабул қилинган қарорлар «Худудий комиссия баённомалари китоби»да комиссия котиби томонидан қайд этилади. Мазкур китоб ҳамда чақирилувчилар шахсий ҳужжатлари йиғмажилдидаги тегишли саҳифа худудий комиссия раиси ва аъзолари томонидан имзоланади.

Худудий комиссия раиси томонидан чақирилувчиларни муқобил хизматга чақириш, сафарбарлик чақируви резерви хизматига олиш, ҳарбий хизматга чақиришни кечиктириш ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервига ва захирасига ўтказиш ишларининг якуни бўйича ахборот тайёрланиб, ўн кун муддат ичида тегишли туман (шаҳар) ҳокимиغا, мудофаа ишлари бўлими томонидан тегишли мудофаа ишлари бошқармасига тақдим этади.

5-боб. Якунловчи қоидалар

30. Фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматларга чақириш, сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга олиш бўйича комиссиялар аъзоларининг (контракт бўйича ҳарбий хизматчилар бундан мустасно) доимий иш жойи (лавозими) ва ўртача ойлик иш ҳақи улар мазкур Низомда белгиланган мажбуриятларини бажарадиган бутун давр мобайнида сақлаб қолинади.



31. Бутлаш комиссияси, ҳарбий-тиббий комиссия ҳамда ҳудудий тиббий комиссия қарори ва ҳулосасидан норози бўлган чақирилувчилар ва уларнинг ота-оналари Раҳбарият кенгашига, шунингдек, белгиланган тартибда судга шикоят қилиши мумкин.

32. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2020 йил 6 мартдаги
ПҚ-4630-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини
йўқотган деб ҳисобланаётган айрим қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 1 октябрдаги «Фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматларга чақириш, сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга қабул қилиш бўйича чақирув комиссиялари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 265-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2009 йил, 40-сон, 435-модда).


2. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 17 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги 90-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 йил, 2-сон, 15-модда) иловасининг 2-банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 12 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 712-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2017 йил, 37-сон, 996-модда) иловасининг 13-банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 1 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 960-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2017 йил, 49-сон, 1197-модда) иловасининг 7-банди.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги 321-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2018 йил, 5-сон, 101-модда) 1-иловаси 13-банди.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш, шунингдек, айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги 210-сон қарори 1-иловасининг 2-банди.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

**107 Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг
жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ–5853-сон Фармони ижросини таъминлаш, жумладан қишлоқ хўжалигида эркин рақобатни таъминлайдиган бозор тамойилларини жорий этиш, пахта ва ғалла етиштиришда давлат буюртмасини бекор қилиш, ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигини ва маҳсулот ишлаб чиқарувчилар манфаатдорлигини ошириш, инвестицияларни кенг жалб қилиш ҳисобига қўшимча иш ўринларини яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Ўзпахтасаноат» АЖ, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг 2020 йил ҳосилидан бошлаб пахта хом ашёсини етиштиришда давлат буюртмасини бекор қилиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Пахтачиликда бозор тамойиллари жорий этилиши муносабати билан пахта етиштирувчи фермер хўжаликлари ва қайта ишловчи корхоналарнинг ўзаро муносабатларини тартибга солиш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури 1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

а) 2020 йил ҳосилидан бошлаб:

пахта хом ашёсининг харид нархини белгилаш амалиётидан воз кечилади;

пахта хом ашёсини етиштирувчилар (фермер хўжаликлари, пахта-тўқимачилик кластерлари, кооперациялар)га районлаштирилган ғўза навларини эркин жойлаштириш ҳуқуқи берилади;

пахта хом ашёси етиштирувчиларни сифатли уруғлик билан таъминлаш мақсадида сертификатланган уруғлик етказиб бериш тизими (шу жумладан, уруғлик пахта учун амалдаги устама тўлаш тартиби) сақлаб қолинади ҳамда босқичма-босқич Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Уруғчиликни ривожлантириш маркази таркибидаги уруғчилик кластерлари ҳамда пахта-тўқимачилик кластерлари зиммасига юклатилади;


б) пахта-тўқимачилик кластерлари ташкил этилмаган ҳудудларда пахта тозалаш корхоналари негизида фермер хўжаликларининг ихтиёрий кооперациялари ташкил этилади.

Қуйидагилар кооперациянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

кооперация аъзолари билан шартномалар тузиш орқали пахта хом

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 7 мартда эълон қилинган.

** 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



ашёси етиштириш юзасидан келишилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

кооперация аъзолари томонидан пахта хом ашёси етиштириш учун зарур бўлган мулк комплекслари, техника, ускуна, транспорт воситаларидан, пахта тозалаш заводларидан биргаликда фойдаланишни ташкил этиш;

кооперация ва уларнинг аъзолари ўртасида имзоланадиган шартнома асосида кооперация аъзоларини қишлоқ хўжалиги техникаси, ёнилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғит, уруғлик, шунингдек, кимёвий ва биологик химоя воситалари билан таъминлаш;

пахта хом ашёсини тайёрлаш, ташиш, сақлаш, қайта ишлаш ва тегирмон усулида қайта ишлашни шартномаларга асосан амалга ошириш ва воситачилик шартномалари асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишни ташкиллаштириш;

кооперация аъзоларига агротехника, бухгалтерлик, консалтинг, воситачилик ва бошқа хизматларни кўрсатиш;

кооперация билан ҳамкорлик қилиш учун экспорт қилувчиларни жалб этиш, ички ва ташқи бозорларда маркетинг тадқиқотлари ўтказиш;

кооперация аъзолари томонидан ишлаб чиқариладиган пахта толаси ва иккиламчи маҳсулотларни биржада ёки биржада шаклланган нархларда тўғридан-тўғри шартномалар асосида сотиш.

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорларига мувофиқ ташкил этилган пахта-тўқимачилик кластерларига белгиланган имтиёзлар пахта хом ашёсини етиштирувчи ва қайта ишловчи кооперациялар учун ҳам татбиқ этилади;


в) республикада ишлаб чиқарилган пахта толаси учун биржада бошланғич нарх шаклланишида амалда қўлланилаётган 10 фоиз миқдоридаги чегирма бекор қилинади;

г) қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларни ўз вақтида маҳаллий шароитга мос сифатли уруғлик билан таъминлаш, тегишли тартибда ишлов берилмаган уруғлик орқали касалликлар тарқалишининг олдини олиш, пахта хом ашёси ҳосилдорлигини изчил ошириб бориш мақсадида 2020 йил ҳосили учун уруғлик чигит «Ўзпахтасаноат» АЖ тизимидаги уруғчилик цехлари ва пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан етказиб берилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси билан биргаликда жаҳон бозори нархлари таҳлилидан келиб чиқиб, ҳар йили 1 декабрга қадар келгуси йил ҳосили учун кутилаётган минимал нархлар эълон қилинишини ҳамда бозорлардаги нархлар ўзгаришидан келиб чиқиб, ҳар чоракда ушбу нархга тузатишлар киритилишини таъминласин.

4. 2020 йил 15 мартдан бошлаб:

а) фермер хўжаликлари, пахта-тўқимачилик кластерлари, кооперациялар ва уруғчиликни ривожлантириш маркази таркибидаги элита уруғчилик



хўжаликлари томонидан пахта хом ашёси етиштириш харажатларини молиялаштириш учун тижорат банклари томонидан Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) маблағлари ҳисобидан 12 ой муддатгача етиштириладиган пахта хом ашёси умумий қийматининг 50 фоизигача бўлган миқдорда молиялаштирилганда йиллик 8 фоиз, 60 фоизигача бўлган миқдорда молиялаштирилганда йиллик 10 фоиз ставкадан (шундан банк маржаси 2 фоиз) ошмаган миқдорда кредитлар ажратилади.

Бунда:

фермер хўжаликлари, пахта-тўқимачилик кластерлари, кооперациялар ва уруғчиликни ривожлантириш маркази таркибидаги уруғчилик хўжаликлари агротехник тадбирлардан келиб чиқиб, кредит маблағларидан эркин фойдаланади ҳамда моддий ресурслар етказиб берувчиларни ихтиёрий танлайди;

пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан фермер хўжаликларининг пахта хом ашёси етиштириш билан боғлиқ харажатларини бўнаклаш пул маблағлари шаклида амалга оширилади;

пахта хом ашёси етиштириш харажатларини молиялаштиришга ажратилган кредит маблағларининг муддатида қайтарилмаган қисми тижорат кредити сифатида қайта расмийлаштирилади;

б) фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари етиштирган пахта хом ашёсини харид қилиш ва пахта йиғим-терими харажатларини молиялаштириш учун пахта-тўқимачилик кластерлари ва кооперацияларга тижорат банклари томонидан 12 ой муддатгача тижорат кредитлари ажратилади.

Бунда:


миллий валютада ажратиладиган тижорат кредитлари бўйича фоиз ставкасининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг асосий ставкасидан ошадиган, лекин 10 фоиз пунктдан кўп бўлмаган қисмини;

хорижий валютада ажратиладиган кредитлар бўйича тижорат банклари томонидан белгиланган фоиз ставкасининг 30 фоизигача, лекин 3 фоиз пунктдан кўп бўлмаган қисмини қоплаш учун Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан компенсация берилади;

пахта хом ашёсини харид қилиш ва пахта йиғим-терими харажатларини молиялаштириш учун ажратилган кредит маблағларининг муддатида қайтарилмаган қисмига Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан компенсация берилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Марказий банкнинг асосий ставкаси ўзгарган ҳолларда Жамғармадан ажратилаётган кредитлар фоиз ставкаларига, банк маржасига ҳамда Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан бериладиган компенсация миқдorigа ўзгартириш киритиш ҳукуқи берилади;

в) пахта хом ашёсини ўзи етиштирадиган ва қайта ишлайдиган пахта-тўқимачилик кластерларига пахта хом ашёси етиштириш харажатларини молиялаштириш учун Жамғарма маблағлари ҳисобидан ажратилган кредит-



лар 12 ойдан сўнг ҳар ойда тенг миқдорларда қайтариш шarti билан 12 ой муддатгача бўлган тижорат кредитларига қайта расмийлаштирилади;

г) 2021 йил ҳосилидан бошлаб пахта хом ашёси етиштириш учун кредит олиш фермер хўжаликлари томонидан мустақил равишда аниқланади (ер майдони тўлиқ пахта-тўқимачилик кластерига берилган ҳудудлар бундан мустасно).

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

пахта хом ашёси ва донни харид қилиш учун жалб этиладиган тижорат кредитлари фоизининг бир қисмини қоплаб бериш учун республика бюджетидан Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасига, эҳтиёжга қараб, 700 млрд сўмгача маблағ ажратсин;

пахта хом ашёси ва ғаллани сотиб олишни кредит ресурслари билан таъминлашда тижорат банкларида маблағларга эҳтиёж туғилганда, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари маблағлари, бюджетни қўллаб-қувватлаш учун жалб қилинадиган халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг кредитлари, суверен ва корпоратив халқаро облигацияларни чиқариш ва қонун билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан тижорат банкларини зарур маблағлар билан таъминласин;

икки ой муддатда пахта хом ашёси ва бошоқли дон экинларининг бўлғуси ҳосилини суғурталаш механизмларини такомиллаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда:

пахтачилик соҳасида кластер тизимини самарали ташкил этиш мақсадида пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низомни;

пахта-тўқимачилик кластерлари ташкил этилмаган республика ҳудудларида фермер хўжаликларининг ихтиёрий равишда бирлашиши асосида пахта тозалаш корхоналари негизида пахта хом ашёсини етиштирувчи ва қайта ишловчи кооперациялар ташкил этишни назарда тутувчи қарорни қабул қилсин.


7. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг «Ўзпахтасаноат» АЖни тугатиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

«Ўзпахтасаноат» АЖни тугатиш комиссияси таркиби 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда «Ўзпахтасаноат» АЖни тугатиш бўйича «йўл харитаси»ни тасдиқласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Ўзгидромет» маркази билан биргаликда қишлоқ хўжалиги соҳасига замонавий сервис хизматларини ташкил этиш мақсадида дарё-

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



лар ва республика ҳудудларида кутилаётган ва мавжуд сув ресурси, метеорологик, гидрологик ва агрометеорологик маълумотларни «on-line» режимида олиш имконини берувчи махсус электрон саҳифа ташкил этсин ҳамда доимий фаолиятини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига пахта толасини импорт қилиш бўйича чекловлар ўрнатилмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

10. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 декабрдаги «2020 йилда ғўзани навлар бўйича жойлаштириш ва пахта хом ашёси етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида»ги 985-сон қарорининг 1-банди тўртинчи хатбошиси, шунингдек, қарорга 3-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда ушбу қарор мазмун-моҳияти ҳамда мақсад ва вазифаларининг оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.


12. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 6 март,
ПҚ-4633-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**108** **Ғалла етиштириш, харид қилиш ва сотишга бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ–5853-сон Фармони ижросини таъминлаш, хусусан давлат буюртмаси асосида бошоқли дон етиштириш амалиётини бекор қилиш, харид қилиш ва сотишда бозор тамойилларини кенг жорий этиш, қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини ошириш ва манфаатдорликни таъминлашга қаратилган қулай агробизнес муҳитини яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Ўздонмахсулот» АК ва Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг фермер хўжаликлари ва ғаллачилик кластерлари билан «Ўздонмахсулот» АК тизимидаги корхоналар ўртасида 2020 йил ҳосилидан давлат харидлари доирасида тузилган контрактация шартномалари миқдорини ҳар бир ғалла етиштирувчи учун 25 фоизга камайтириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) томонидан давлат харидлари доирасида 2 265 минг тонна буғдой (уруғлик дон учун амалдаги устама тўлаш тартибини сақлаб қолган ҳолда) ички бозорда дон нархлари барқарорлигини таъминлаш тадбирларини амалга ошириш учун харид қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси жорий йил 10 майга қадар жаҳон бозори ва минтакавий биржа нархлари ҳамда республикада кутилаётган ҳосилни инобатга олиб, дон ва нон маҳсулотлари нархлари барқарорлигини таъминлаш тадбирларини амалга ошириш учун 2020 йилда харид қилинадиган ғалла нархларини белгиласин.


2. Белгилаб қўйилсинки:

а) 2020 йил ҳосилидан бошлаб:

давлат буюртмаси асосида бошоқли дон етиштириш амалиёти босқич-ма-босқич бекор қилинади;

ички бозорда дон ва нон маҳсулотлари нархлари барқарорлигини таъминлаш тадбирларини амалга ошириш учун давлат томонидан харид қилинадиган буғдой мулкчилик шаклидан қатъи назар барча корхоналарнинг донни сақлаш талабларига мос келадиган омборлар (сигимлар)ида шартнома асосида сақланади;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 7 мартда эълон қилинган.



б) 2021 йил ҳосилидан бошлаб:

давлат томонидан ғаллага харид нархини белгилаш амалиётидан тўлиқ воз кечилади;

давлат хариди тўлиқ бекор қилинади ҳамда фермерлар ва бошқа корхоналар томонидан етиштириладиган ғалла барча истеъмолчиларга, шу жумладан донни қайта ишловчи корхоналар, ғаллачилик кластерлари ва трейдерларга биржа савдолари орқали ёки тўғридан-тўғри шартномалар (фьючерс, форвард ва бошқалар) асосида эркин нархларда сотилади;

ички бозорда дон ва нон маҳсулотлари нархлари барқарорлигини таъминлаш тадбирларини амалга ошириш учун зарур миқдордаги дон Жамғарма томонидан фьючерс, форвард шартномалари асосида ёки биржа савдолари орқали эркин нархларда харид қилинади;

дон етиштирувчи хўжаликларни сифатли уруғлик билан таъминлаш мақсадида сертификатланган уруғлик етказиб бериш тизими сақлаб қолинади ҳамда 2021 — 2023 йилларда уруғлик етказиб бериш босқичма-босқич Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Уруғчиликни ривожлантириш маркази таркибидаги уруғчилик кластерлари ва элита уруғчилик хўжаликлари, ғаллачилик кластерлари зиммасига юклатилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан биргаликда жаҳон бозори, минтақавий биржалар нархларини таҳлил қилган ҳолда, ҳар йили 1 августга қадар келгуси йил ғалла ҳосили учун кутилаётган минимал нархларни эълон қилсин ҳамда бозорлардаги нархлардан келиб чиқиб, ҳар чоракда ушбу нархга тузатишлар киритиб, оммавий ахборот воситаларида эълон қилиб борилишини таъминласин.


4. Республика ички бозорида дон ва нон маҳсулотлари нархлари барқарорлигини таъминлаш тадбирларини амалга ошириш Жамғарма зиммасига юклатилади.

Ички бозорда дон ва нон маҳсулотлари нархлари барқарорлигини таъминлаш тадбирларини амалга ошириш учун Жамғарма томонидан харид қилинадиган дон Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги ва Монополияга қарши курашиш қўмитаси билан келишилган ҳолда, Бош вазирнинг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари томонидан тасдиқланадиган ойлик график асосида Жамғарма томонидан биржа савдоларида сотувга қўйилади.

5. Дон ва нон маҳсулотлари нархлари барқарорлигини таъминлаш учун зарур миқдордаги бугдойни харид қилиш билан боғлиқ харажатлар (сотиб олиш, ташиш, сақлаш), харид қилиш ва сотиш нархлари ўртасида юзага келган тафовут (ижобий, салбий) Жамғарма молиявий фаолияти якунларига олиб борилади ҳамда зарур ҳолатларда юзага келган салбий тафовут Жамғармага республика бюджетидан қоплаб берилади.

6. 2020 йил 1 июндан бошлаб:

а) фермер хўжаликлари, ғаллачилик кластерлари ва Уруғчиликни ривожлантириш маркази таркибидаги элита уруғчилик хўжаликларининг ғалла



етиштириш харажатларини молиялаштириш учун тижорат банклари томонидан Жамғарма маблағлари ҳисобидан 12 ой муддатгача ғалла ялпи ҳосили умумий қийматининг 40 фоизигача бўлган миқдорда молиялаштирилганда йиллик 10 фоиз, 50 фоизигача бўлган миқдорда молиялаштирилганда йиллик 12 фоиз ставкадан (шундан банк маржаси 2 фоиз) ошмаган миқдорда кредитлар ажратилади.

Бунда:

фермер хўжаликлари, ғаллачилик кластерлари ва Уруғчиликни ривожлантириш маркази таркибидаги элита уруғчилик хўжаликлари агротехник тадбирларни ўтказиш хусусиятларидан келиб чиқиб, кредит маблағларидан эркин фойдаланади ҳамда моддий ресурслар етказиб берувчиларни ихтиёрий танлайди;

ғаллачилик кластерлари томонидан фермер хўжаликларининг ғалла етиштириш билан боғлиқ харажатларини бўнаклаш пул маблағлари шаклида амалга оширилади;

ғалла етиштириш харажатларини молиялаштиришга ажратилган кредит маблағларининг муддатида қайтарилмаган қисми тижорат кредити сифатида қайта расмийлаштирилади;

б) мулкчилик шаклидан қатъи назар, фақат донни қайта ишловчи корхоналар ҳамда донни қайта ишлаш қувватига эга бўлган ғаллачилик кластерлари томонидан республикада етиштирилган ғаллани харид қилиш учун тижорат банклари томонидан 12 ой муддатгача 50 миллиард сўмгача миқдорда тижорат кредитлари ажратилади.

Бунда:



миллий валютада ажратиладиган тижорат кредитлари бўйича фоиз ставкасининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий ставкасидан ошадиган, лекин 10 фоиз пунктдан кўп бўлмаган қисмига;

хорижий валютада ажратиладиган кредитлар бўйича тижорат банклари томонидан белгиланган фоиз ставкасининг 30 фоизигача, лекин 3 фоиз пунктдан кўп бўлмаган миқдорда фоиз харажатларини қоплаш учун Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан компенсация берилади;

ғаллани харид қилиш учун ажратилган кредит маблағларининг муддатида қайтарилмаган қисмига Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан компенсация берилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Марказий банкнинг асосий ставкаси ўзгарган ҳолларда Жамғармадан ажратилаётган кредитлар фоиз ставкаларига, банк маржасига ҳамда Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан бериладиган компенсация миқдорига ўзгартириш киритиш ҳуқуқи берилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, «Ўздонмахсулот» АК ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда дон сақлаш сифимларига эга бўлган тадбиркорлик субъектларини жалб этган ҳолда, 2020 йил ҳосилидан бошлаб етиш-



тириладиган бошоқли донни қабул қилиш ва сақлаш бўйича хизмат тарифларини тасдиқласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, «Ўздонмахсулот» АК, Жамғарма, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда 2020 йилда, 1 апрелга қадар келгуси йилларда ички бозорда дон ва нон маҳсулотлари нархлари барқарорлигини таъминлаш тадбирларини амалга ошириш учун сотиб олинadиган ғалланинг ҳудудлар кесимидаги тақсимотини ва ушбу ғаллани сақлашга талабгор корхоналарнинг ҳудудлар кесимидаги рўйхатини шакллантирсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси дон сақланаётган корхоналарда унинг сифати ва миқдори бўйича тўғри сақланиши юзасидан ойлик назорат ўрнатилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари билан биргаликда ғаллачилик кластерлари ва донни қайта ишловчи корхоналарга республикада етиштирилган донни харид қилиш учун мазкур қарорда белгиланган кредит ажратиш механизми бўйича ўқув-семинарларини ташкил этсин ва оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2020 йил 1 майга қадар:

дон ва нон маҳсулотлари нархлари барқарорлигини таъминлаш тадбирларини амалга ошириш учун харид қилинадиган ғалла ҳажмини ҳудудлар кесимида аниқлаш ва ҳисоб-китобларни амалга ошириш ҳамда ғаллани сақлаш тартибларини тасдиқласин;

«Ўздонмахсулот» АК тизимида кирувчи дон корхоналарини 2020-2021 йилларда белгиланган тартибда босқичма-босқич хусусий секторга сотиш чора-тадбирларини белгиласин.

12. Қўйидагилар:


Ғалла етиштиришга давлат буюртмаси босқичма-босқич бекор қилиниши ҳамда соҳага бозор тамойиллари кенг жорий этилишини ташкил этиш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури 1-иловага* мувофиқ;

Ғалла етиштириш, харид қилиш ва сотишга бозор тамойилларини кенг жорий этишни мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши таркиби 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

13. Республика кенгашига (А. Арипов) қўйидаги вазифалар юклатилсин:

ғалла етиштиришга давлат буюртмаси босқичма-босқич бекор қилиниши ҳамда соҳага бозор тамойиллари кенг жорий этилишини ташкил этиш

* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури ижросини ўз вақтида таъминлаш;

2021 йил ҳосилидан бошлаб дон ва нон маҳсулотлари нархлари барқарорлигини таъминлаш тадбирларини амалга ошириш учун харид қилинадиган бугдой ҳажмини белгилаш;

худудларнинг табиий-иқлим шароитларидан келиб чиқиб, ғалла экин майдонларини навлар бўйича жойлаштириш;

дон ва нон маҳсулотлари нархлари барқарорлигини таъминлаш тадбирларини амалга ошириш учун харид қилинган ғаллани сақловчи корхоналар рўйхатини шакллантириш;

озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш механизмларини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

дон ва нон маҳсулотлари нархлари барқарорлигини таъминлаш тадбирларини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган барча масалаларни ҳал этиб бориш.

14. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Ў. Барноев:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг таклифларига асосан «Ўзстандарт» агентлиги билан биргаликда календарь йилнинг 1 майига қадар талабгор корхоналарнинг дон сақлаш сифмлари хатловдан ўтказилишини ва уларнинг амалдаги талабларга мослиги тўғрисида хулоса берилишини, ижобий хулоса берилган корхоналарнинг лабораториялари ва тарозиларини хатловдан ўтказилишини, тегишли рухсатномалар берилишини, дон сақлашга рухсат этилган корхоналар рўйхати тасдиқланишини ҳамда уларнинг дон сақлаш қувватларини оммавий ахборот воситаларида эълон қилиб боришни таъминласин;

қишлоқ хўжалиги вазири Ж. Ходжаев, сув хўжалиги вазири Ш. Ҳамраев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда белгиланган тартибда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва тупроқ унумдорлигини ошириш, ғалла етиштиришга замонавий ҳамда энергия ва ресурстежамкор технологияларнинг жорий этилишини, фермер хўжаликларини сув билан таъминлаш ҳамда комплекс агротехник тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишида амалий ёрдам кўрсатсин.

15. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда ушбу қарор мазмун-моҳияти ҳамда мақсад ва вазифаларининг оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

16. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Молия вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

17. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Респуб-

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



108-модда

— 40 —

10 (926)-сон




ликасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 6 март,
ПҚ-4634-сон



БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

109 «Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимларида ишлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 9 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2155-5

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ҳамда «Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.
2. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ


Тошкент ш.,
2020 йил 15 февраль,
3/9-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг 2020 йил
15 февралдаги 3/9-сон қарорига
ИЛОВА

Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2010 йил 23 октябрдаги 34/8-сон «Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимларида ишлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 9 мартда эълон қилинган.




тиш тизимларида ишлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2155, 2010 йил 19 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 47-сон, 438-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2014 йил 21 февралдаги 4/6-сон «Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимларида ишлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2155-1, 2014 йил 11 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 йил, 11-сон, 130-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2016 йил 26 ноябрдаги 38/1-сон «Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимларида ишлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2155-2, 2016 йил 21 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 йил, 51-сон, 588-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2017 йил 25 ноябрдаги 32/1-сон «Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимларида ишлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2155-3, 2017 йил 4 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 49-сон, 1200-модда).

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2019 йил 16 мартдаги 5/12-сон «Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимларида ишлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 22-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2155-4, 2019 йил 12 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2019 йил, 15-сон, 303-модда).



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

110 «Умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларини қўллаган ҳолда тўлов тизимларини ташкил қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
9 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1767-2*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ҳамда «Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2008 йил 2 январдаги 1/4-сон «Умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларини қўллаган ҳолда тўлов тизимларини ташкил қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1767, 2008 йил 13 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 6-7-сон, 33-модда);

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2014 йил 22 ноябрдаги 41/1-сонли «Умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларини қўллаган ҳолда тўлов тизимларини ташкил қилиш қоидаларининг 3-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1767-1, 2014 йил 2 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 49-сон, 584-модда).

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Давлат хавфсизлик хизмати билан келишилган.



3. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 15 февраль,
3/10-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 9 мартда эълон қилинган.



Келишилган:

*Давлат хавфсизлик
хизмати раиси*

А. АЗИЗОВ

2020 йил 14 февраль

*Ахборот технологиялари ва
коммуникацияларини
ривожлантириш вазирлиги*

Ш. САДИКОВ

2020 йил 14 февраль

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ


111 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
9 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2518-2*

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш бўйича 2020 йил 4 мартдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2000 йил 19 майдаги 197-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига асосан **буюраман:**

1. «Пахта хом ашёсини етиштиришда юқори ҳосилдорликка эришган фермер хўжалиklarини рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни (рўйхат рақами 2518, 2013 йил 18 октябрь) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 9 мартда эълон қилинган.



2020 йил 19 февралдаги 03/034-576-сон хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқарилсин:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлигининг 2013 йил 26 сентябрдаги 179а, 96 ва 49-сон «Пахта хом ашёсини етиштиришда юқори ҳосилдорликка эришган фермер хўжаликларини рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2518, 2013 йил 18 октябрь);

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлигининг 2016 йил 26 майдаги 26, 29, 114-сон «Пахта хом ашёсини етиштиришда юқори ҳосилдорликка эришган фермер хўжаликларини рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2518-1, 2016 йил 20 июнь).

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идора-вий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.



4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 9 март,
60-мҳ-сон



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

112 Спорт паспорти тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2949-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги ПФ-5924-сон «Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва 2019 йил 5 февралдаги ПҚ-4160-сон «Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг 2017 йил 24 октябрдаги 12-мх-сон қарори (рўйхат рақами 2949, 2017 йил 22 ноябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.11.2017 й., 10/17/2949/0286-сон) билан тасдиқланган Спорт паспорти тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Д. НАБИЕВ


Тошкент ш.,
2020 йил 21 февраль,
1-мх-сон

Ўзбекистон Республикаси
жисмоний тарбия ва спорт вазирининг
2020 йил 21 февралдаги 1-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

Спорт паспорти тўғрисидаги низомга киритилаётган қўшимчалар

1. 12-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги мазмундаги жумла билан тўлдирилсин:
«Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган маълумотнома-анкетани муҳр билан тасдиқлаш талаб этилмайди.».

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 11 мартда эълон қилинган.



2. Қуйидаги мазмундаги 23¹-банд билан тўлдирилсин:

«23¹. Спорт паспортини расмийлаштириш ва бериш учун йиғим пул тўлови амалга ошириладиган кундаги базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи миқдорида белгиланади ҳамда Марказ ҳисоб рақамига ўтказилади.».

3.4-илова қуйидаги мазмундаги изоҳ билан тўлдирилсин:

«Изоҳ: тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган маълумотнома-анкетани муҳр билан тасдиқлаш талаб этилмайди.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИНИНГ
БҲЙРУҒИ

113 **Хўл мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узумни сақлаш, транспортда ташиш ва сотишда табиий йўқотиш нормативларига ўзгартириш киритиш ҳақида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2824-1

Ўзбекистон Республикасининг «Мақтабгача таълим ва тарбия тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг 2016 йил 24 августдаги 28-сон буйруғи (рўйхат рақами 2824, 2016 йил 15 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 37-сон, 437-модда) билан тасдиқланган Хўл мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узумни сақлаш, транспортда ташиш ва сотишда табиий йўқотиш нормативларининг 6-боби изоҳининг 7-банди иккинчи хатбошисидаги «мақтабгача таълим муассасаси» сўзлари «мақтабгача таълим ташкилоти» сўзлари билан алмаштирилсин.



2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикасининг «Мақтабгача таълим ва тарбия тўғрисида»ги Қонуни кучга кирган кундан эътиборан амалга киритилади.

Вазир

Ж. ХОДЖАЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 21 февраль,
69-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 11 мартда эълон қилинган.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЭНЕРГЕТИКА ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТРАНСПОРТ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

114 Рухсатномалар, тарқатиш ведомостлари ва лимит китобчалари бўйича автотранспорт воситаларига ёнилғи қуйиш учун нефть маҳсулотлари, суюлтирилган ва сиқилган табиий газни бериш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
12 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2072-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 ноябрдаги ПҚ-4525-сон «Мамлакатда бизнес мухитини янада яхшилаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги ва Транспорт вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг 2009 йил 25 декабрдаги 01/07-1220, 7/2, 1/141-сон қарори (рўйхат рақами 2072, 2010 йил 23 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 3-4-сон, 30-модда) билан тасдиқланган Рухсатномалар, тарқатиш ведомостлари ва лимит китобчалари бўйича автотранспорт воситаларига ёнилғи қуйиш учун нефть маҳсулотлари, суюлтирилган ва сиқилган табиий газни бериш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Энергетика вазири

А. СУЛТАНОВ


Тошкент ш.,
2020 йил 27 февраль,
1-сон

Қишлоқ хўжалиги вазири

Ж. ХОДЖАЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 27 февраль,
1-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 12 мартда эълон қилинган.



(926)-сон

— 49 —

114-модда

Сув хўжалиги вазири

Ш. ХАМРАЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 27 февраль,
2/1-сон

Транспорт вазири

Э. ГАНИЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 27 февраль,
1-сон

Ўзбекистон Республикаси
Энергетика вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги
вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги,
Транспорт вазирлигининг 2020 йил
27 февралдаги 1, 1, 2/1, 1-сон қарорига
ИЛОВА

**Рухсатномалар, тарқатиш ведомостлари ва лимит
китобчалари бўйича автотранспорт воситаларига ёнилғи
қуйиш учун нефть маҳсулотлари, суюлтирилган ва
сиқилган табиий газни бериш қоидаларига
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 6-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:


«6. Нефть маҳсулотларини бериш рухсатномаси маҳсулот етказиб берувчининг раҳбари ёки унга ваколатли шахс томонидан имзоланади, шунингдек маҳсулот етказиб берувчининг раҳбари томонидан тасдиқланадиган рўйхатга биноан бухгалтерия ва маркетинг бўлими ходимлари томонидан мазкур Қоидаларнинг 5-иловасига мувофиқ шаклдаги рухсатномалар бериш реестрига киритилади ҳамда истеъмолчига ва ёнилғи қуйиш шохобчасига тақдим қилинади.».

2. 10-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«10. Газ бериш рухсатномаси маҳсулот етказиб берувчининг раҳбари ёки унга ваколатли шахс томонидан имзоланади, маҳсулот етказиб берувчининг раҳбари томонидан тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ бухгалтерия ва маркетинг бўлими ходимлари томонидан мазкур Қоидаларнинг 7-иловасига мувофиқ шаклдаги рухсатномалар бериш реестрида расмийлаштирилади.».

3. 12-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«12. Ҳайдовчининг йўл варақаси автотранспорт воситасига ёнилғи қуйиш учун асос ҳисобланади ва йўл варақасининг «ёнилғи берилсин» сатрида берилиши лозим бўлган нефть маҳсулотининг миқдори сўз билан ёзиб кўрсатилади.».



4. 19-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«19. Ҳайдовчининг йўл варақаси автотранспорт воситасига ёнилғи қуйиш учун асос ҳисобланади ва йўл варақасининг «ёнилғи берилсин» сатрида газ миқдори сўз билан ёзиб кўрсатилади.»

5. 41-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Китоблар рақамланган, тикилган, маҳсулот етказиб берувчининг раҳбари ва бош бухгалтери томонидан имзоланган бўлиши лозим. Бланкаларни рўйхатга олиш китобидаги уларнинг кирим қилинганлиги ва ҳисобдан чиқарилганлиги бўйича ёзув расмийлаштириш куни амалга оширилади.»

6. 4-иловадан «М.Ў.» қисқартмаси ва «муҳр ўрни» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРИНИНГ
БҲЙРУФИ


115 **Тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган объектларни ёнғин-профилактика кўригидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
12 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2532-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги ПФ–5884-сон «Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимида рўйхатдан ўтказиш орқали ваколатли органни хабардор этиш тартибида ўтказиладиган текширувлар рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ва 2019 йил 10 апрелдаги ПФ–5706-сон «Ўзбекистон Республикасида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ҳамда ёнғин хавфсизлигини таъминлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида»ги Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 4 октябрдаги 272-сон «Давлат ёнғин назорати тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ **буйраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2013 йил 21 ноябрдаги 136-сон буйруғи (рўйхат рақами 2532, 2013 йил 3 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 49-сон, 637-модда) билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган объект-

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 12 мартда эълон қилинган.



ларни ёнғин-профилактика кўригидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга киради.

Вазир в. б.

Т. ХУДАЙБЕРГЕНОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 31 январь,
39-сон

Ўзбекистон Республикаси
фавқулодда вазиятлар вазирининг 2020 йил
31 январдаги 39-сон буйруғига
ИЛОВА

**Тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган объектларни
ёнғин-профилактика кўригидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги
низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Ёнғин-профилактика кўриги давлат ёнғин назорати органларининг мансабдор шахслари томонидан мазкур Низомнинг 9-бандида назарда тутилган объектларда жойлашган тадбиркорлик субъектларига ёнғин келиб чиқиши ва кучайишининг (тарқалишининг) олдини олишга қаратилган тавсиялар бериш мақсадида ўтказилади.».

2. 9-бандда:

биринчи хатбошидаги «қўшимча равишда ёнғин-профилактика кўриги ўтказилиши мумкин» деган сўзлар «ёнғин-профилактика кўриги ўтказилади» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

3. 14, 20 ва 21-бандлар ҳамда 3, 4 ва 6-иловалар ўз кучини йўқотган деб топилсин.



4. 15-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«15. Давлат ёнғин назорати органларининг мансабдор шахслари ўзларига бириктирилган ҳудудда жойлашган тадбиркорлик субъектларига тегишли объектларнинг ёнғин хавфлилигига кўра гуруҳларга бўлинган рўйхатини шакллантиради.

Давлат ёнғин назорати органлари томонидан ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилиниши юзасидан текшириш ўтказилган тадбиркорлик субъектига тегишли объектларда бир йил давомида ёнғин-профилактика кўриги ўтказилмайди.».

5. 22 ва 23-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«22. Ўтказилган ёнғин-профилактика кўриги натижаси бўйича мазкур Низомнинг 5-иловасига мувофиқ тавсиялар маълумотномаси икки нусхада



расмийлаштирилиб, бир нусхаси тадбиркорлик субъектига топширилади. Тавсиялар маълумотномасида зудлик билан бартараф этилиши лозим бўлган, ёнғин келиб чиқиши ва кучайишининг (тарқалишининг) олдини олишга қаратилган ҳамда объектда маълум бир муддат мобайнида ёнғинга қарши режим ўрнатилишини назарда тутувчи тавсиялар ёзилади.

23. Тавсиялар маълумотномаси тегишли тадбиркорлик субъектига қарашли объектнинг назорат-кузатув йиғма жилдига тикилади. Давлат ёнғин назорати органларининг ҳар бир бўлинмасида мазкур Низомнинг 7-иловасига мувофиқ Ёнғин-профилактика кўрикларини ҳисобга олиш китоби юритилади. Ушбу китоб рақамланган, тикилган ва давлат ёнғин назорати органининг муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак.»

6. 5-иловадаги «тавсиянома» деган сўз «тавсиялар маълумотномаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 7-илова мазкур ўзгартиришларнинг иловасига мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

8. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

Қурилиш вазири


Б. ЗАКИРОВ

2020 йил 25 январь

**Савдо-саноат
палатаси раиси**

А. ИКРАМОВ

2020 йил 25 январь




Тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган объектларни
ённин-профилактика кўригидан ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомага киритилаётган ўзгартиришларга
ИЛОВА

«Тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган
объектларни ённин-профилактика кўригидан ўтказиш
тартиби тўғрисидаги низомага
7-ИЛОВА

Ённин-профилактика кўрикларини ҳисобга олиш
КИТОБИ

Т/р	Ённин-профилактика кўригини ўтказган давлат ённин назорати органи, мансабдор шахсининг Ф.И.О., лавозими	Тадбиркорлик субъектининг номи ва манзили	Кўрик ўтказилган сана	Тавсиялар сони	Жойида баргараф этилган камчиликлар сони
1.					
2.					
3.					
...					



Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2020 йил 29 февралдан 13 мартгача
бўлган маълумотни маълум қилади

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2020 йил 15 февралдаги 3/9-сон «Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимларида ишлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2020 йил 9 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2155-5.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2020 йил 15 февралдаги 3/10-сон «Умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларини қўллаган ҳолда тўлов тизимларини ташкил қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори.

2020 йил 9 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1767-2.

3. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2020 йил 9 мартдаги 60-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

2020 йил 9 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2518-2.


4. Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирининг 2020 йил 21 февралдаги 1-мх-сон «Спорт паспорти тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2020 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2949-1.

5. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирининг 2020 йил 21 февралдаги 69-сон «Хўл мева-сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари ва узумни сақлаш, транспортда ташиш ва сотишда табиий йўқотиш нормативларига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2020 йил 11 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2824-1.

6. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Транспорт вазирлигининг 2020 йил



27 февралдаги 1, 1, 2/1, 1-сон «Рухсатномалар, тарқатиш ведомостлари ва лимит китобчалари бўйича автотранспорт воситаларига ёнилғи қўйиш учун нефть маҳсулотлари, суюлтирилган ва сиқилган табиий газни бериш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2020 йил 12 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2072-1.

7. Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазирининг 2020 йил 31 январдаги 39-сон «Тадбиркорлик субъектларига тегишли бўлган объектларни ёнғин-профилактика кўригидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2020 йил 12 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2532-2.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг «Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимларида ишлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2155, 2010 йил 19 ноябрь), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 2155-1, 2014 йил 11 март), (рўйхат рақами 2155-2, 2016 йил 21 декабрь), (рўйхат рақами 2155-3, 2017 йил 4 декабрь), (рўйхат рақами 2155-4, 2019 йил 12 апрель).

Адлия вазирининг 2020 йил 9 мартдаги 58-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг «Умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларини қўллаган ҳолда тўлов тизимларини ташкил қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1767, 2008 йил 13 февраль), шунингдек унга ўзгартириш (рўйхат рақами 1767-1, 2014 йил 2 декабрь).

Адлия вазирининг 2020 йил 9 мартдаги 59-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

3. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлигининг «Пахта хом ашёсини етиштиришда юқори ҳосилдорликка эришган фермер хўжаликларини рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2518, 2013 йил 18 октябрь), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 2518-1, 2016 йил 20 июнь).

Адлия вазирининг 2020 йил 9 мартдаги 60-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.



